

Мисрда Пайғамбаримиз алайҳисаллом ахлоқини тарғиб этиш кампанияси бошланди



17:07 / 12.12.2018 2068

Мисрнинг Вақф вазирлиги томонидан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ахлоқий фазилатлари ва ҳаётларини тарғиб қилиш мақсадида “Пайғамбаримизнинг (соллаллоҳу алайҳи васаллам) ахлоқий фазилатлари” шиори остида тарғибот кампанияси бошланди, деб хабар бермоқда Ал-Явм7 ахборот агентлиги.

Хабарда айтилишича, тарғибот 10 декабрь куни бутун мамлакат бўйлаб бошланган. Кампанияни ташкил этишдан мақсад, “Аҳолига Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ахлоқлари, хусусиятларини танитиш ва тушунтириш, у зотнинг назокатлари ва бошқа инсонларга кўрсатган меҳр-шафқатлари, бутун оламларга раҳмат бўлиб келишлари, бугунги кунда Ислom дини ниқоби остида динга зарар бераётган турли оқимлар юзини очиб ташлашдан иборат”, деб хабар бермоқда вазирликка таянган ҳолда IQNA.

Вақф вазирлигининг маълум қилишича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ахлоқларини танитиш кампанияси келаси йил рамазон ойигача давом этади. Шу муддат давомида ҳар душанба куни вазирликнинг масъул ходим ва воизлари, мамлакатнинг турли

ҳудудларида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ахлоқий қадриятлари тўғрисида, тасдиқланган дастурга мувофиқ кенг жамоатчиликка маърузалар ўқишади.

Белгиланган кунларда ўқиладиган маърузалар, жумладан, қуйидаги мавзуларни ўз ичига олган:

- 10 декабрь “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ахлоқи”;
- 17 декабрь “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳалоллиги ва тўғрилиги”;
- 24 декабрь “Ислом пайғамбарининг ишончилиги”;
- 30 декабрь “Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аҳдга вафолари”...

***Islom.uz* портали таҳририяти**